

# Qishloq hayoti

Кишилкъ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2016 йил

Софлом она ва бола  
йили

2016-YIL 23-FEVRAL, SESHANBA, 23 (8574)-son

1974-yil 1-yanvardan chiga boshlagan  
Bahosi kelishilgan narxda.

Самарқанд Вилояти

## ТОЛАДАН КҮЙЛАККАЧА – БИР КОРХОНАДА



Президентимиз раҳнамолигида яратилганин кулаи ишбилармонлик мухити, давлатимиз томонидан берилетган имконият ва имтиёзлар тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги йўналишларни узлаштиришига кенг йўл очмоқда. Бу импорт ўрнини босувчи, экспортбот маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринларни яратиш ва шу орқали мамлакатимиз иктисолдётининг барқарор ўйси суръатларини таъминлаш, халқимиз фаронлигини юксалтириш имкониятини бермоқда.

Иктисолид ислоҳотларни янада чукурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўплаб-

куватлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилётган ишлар самарасида Самарқанд вилоятида 2015 йилда 471 янги саноат корхонаси ишга туширилди, 12,5 минг янги иш ўрини яраттиди. 54,6 миллион доллар жалб этилган холда, 52 инвестицион лойиха амалга оширилди ва 5,7 трilliон сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарили. Илгари хусусийлаштирилган кам кувватли ва бўш турган 236 корхонани тикиш максадида 303,8 миллиард сўмлик инвестиция кириттиди.

Ўтган йил якунларига кўра, виляятнинг ташки савдо айланмаси 1 миллиард, 32 миллион долларни ташкил этди. Экспорт ҳажми 2014

йилга нисбатан иккى баробар ортиб, 377,6 миллион долларга етди. Вилоят ялпи худудий маҳсулоти таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуси 77,9 физони ташкил этмокда.

Умумий қиймати 23,7 миллион долларни ташкил этдиган мазкур лойиха пахта толасидан юкори сифатли эрраклар кўйлаклари ва 3D моделидаги чойшаблар ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ўз ичига олади, – дейди "Samarkand Euro Asia textile" масъулиятни чекларини таъминлашни жамияти менежери Хуршид Ислорилов. – Пахта толасидан иш калава олиш, мато тўкиши ва унга ишлаб бериш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бир жойда амалга

оширилади. Дунёда бундай корхоналар саноати. Масалан, Хитойда ҳам атига иккита корхонадан шундай цикл бўйича эрраклар кўйлаги ишлаб чиқарилар экан. Уларнинг иш фойлияти билан танишиб, шунга амин бўлдимки, агар биз мавжуд имконият ва шароитлардан унумни фойдалансак, жуда юкори кўрсаткичча эришишимиз мумкин.

Хозир лойханинг дастлабки босқичлари амалга оширилиб, цехларга хориждан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилиди ва кунига 600-800 доначага кўйлак ишлаб чиқарилмоқда. 100 га юнан ёшлилар доимий иш билан таъминланди. Уларга хориждан келган мутахassislar иш ўргатмоқда.

Маҳсулот асосан ички бозорга чиқариётган бўлса-да, чет элдан дастлабки буюрту олдик. Шартномага кўра, хозирча ойига 10 минг дона кўйлак етказиб бериши кўзда тутилган.

Корхона тўла қувват билан ишлай бошлаган, бу ерда йилига 2 миллион донадан ортик кўйлак ва 200 мингга яқин чойшаб ишлаб чиқарилади. Бу йилига ўтана 25 миллион долларга тенг импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилар, 10 миллион долларлик товарларни экспорт килиш демакдир. Корхонада 600 дан зиёд янги иш ўрини яратилиди.

Голиб ҲАСАНОВ,  
ЎзА мухбири.

ишиш





